

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017. Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА ЗУЛХУМОР ИНОМОВНА**

**XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ АМЕРИКАДА ЎРГАНИЛИШИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2017**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Мирзаева Зулхумор Иномовна**

XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши..... 3

**Мирзаева Зулхумор Иномовна**

Изучение узбекской литературы XX века в Америке..... 33

**Mirzaeva Zulkhumor Inomovna**

The Study of Twentieth-Century Uzbek Literature in the United States ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 72

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017. Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА ЗУЛХУМОР ИНОМОВНА**

**XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ АМЕРИКАДА ЎРГАНИЛИШИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК(DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2017**

**Докторлик диссертацияси (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil.16рақами билан рўйхатга олинган.**

ДиссертацияЎзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ta.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Назаров Бахтиёр Аминович**  
ЎзбекистонРеспубликасиФанлар академиясиакадемиги, филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Адиб Холид (АҚШ),**  
фалсафа фанлари доктори,профессор

**Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Қуранов Дилмурод Ҳайдаралиевич**  
филология фанлари доктори,профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50;fax: (99871) 233-71-44; e-mail:uzlit@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясиАсосий кутубхонасида танишиш мумкин(\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100100,Тошкент,Зиёлилар кўчаси, 13. Тел: (998971) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Т.Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

**Р.Баракаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

**Н.Ф.Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинарраиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XX аср жаҳон адабиёти тарихида цивилизациялар қарама-қаршилигини бадиий идрок этиш ва турли ракурсларда талқин қилишўзига хос даражага кўтарилди. Ижтимоий-сиёсий жиҳатдан бир-бирига зид қутб вакиллари бадиий адабиётни ҳам ўз сиёсий манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин қилишнинг турлича таснифотларини ишлаб чиқдилар. Оқибатда муайян бир даврда яратилган бадиий асарни соф поэтик мезонлар ҳамда сиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан талқин қилиш ўртасида кескин тафовутлар пайдо бўлди.

Истиклол шарофати билан ўзбек адабиёти, тарихи ва маданиятига қизиқиш, таҳлил ва тадқиқ этиш АҚШ, Англия, Франция, Германия, Испания, Италия, Швейцария, Туркия, Япония, Хитой сингари мамлакатлар олимларининг диққат эътиборида бўлди, миллий адабиётимиз намуналари кўплаб шарқу ғарб тилларига таржима қилинди. Айниқса, АҚШда XX аср ўзбек адабиётининг ўрганилиши изчил суръатларда юксалиб бораётганлиги, Э.Олворт, Д.Монтгомери, Э.Наби, А.Холид, Ш.Лайнс, А.Оғир, Р.Микаллеф каби турли авлод адабиётшунослари яратган тадқиқотлар дунё ўзбекшунослари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилаётганлиги эътиборга сазовордир. Зотан, «миллий адабиётимиз ва халқимиз маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олиними, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши»<sup>1</sup> билан бирга миллий адабиёт дурдоналарини жаҳон сўз санъати контекстида ўрганиш имкониятларини ҳам кенгайтди. Халқимизнинг минг йиллик миллий, маданий, адабий, диний, тарихий қадриятларининг тикланиши эса дунё ҳамжамиятининг ўзбек маданияти ва адабиётига эътиборини янада кучайтирди. «Бугун биз яшаётган интернет ва юксак технологиялар асрида адабиёт ва санъат, маданиятимизнинг ўрни ва таъсирини нафақат сақлаб қолиш, балки қандай қилиб уни кучайтириш мумкин, деган тўғри ва одилона саволлар барчамизни, биринчи навбатда, халқимизнинг энг илғор вакиллари бўлган ижод аҳлини ўйлантириши зарур»<sup>2</sup>. Адабиёт, маданият ва санъатнинг инсон маънавий камолотида тутган ўрнини сақлаб қолиш, аслида, инсоният келажаги юксак маънавиятли авлод кўлида эканлигини ҳам тасдиқлайди. Демак, адабиётимиз нафақат ўз халқимиз маънавиятини шакллантиришга хизмат қилиши, балки дунё ҳамжамияти маънавий камолотида тутган ўрни билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бинобарин, миллий сўз санъатининг хориж ўзбек адабиётшунослигига таъсири масалаларини ўрганиш, АҚШдаги ўзбек

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 48.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 4 август. – №153.

адабиётига оид изланишларни жаҳон филологиясининг энг янги назарий концепциялари воситасида тадқиқ этиш бугунги адабиётшунослигимизнинг етакчи тамойилига айланиши лозим.

Айни пайтда халқаро миқёсда миллий адабиётлар, жумладан, замонавий ўзбек адабиётининг тадқиқ этилиши муаммолари кўп қатламли бўлиб, ўзбек адабиётини ўрганишдаги ғарбона тафаккур ва дунёқарашга асосланган ўзига хосликлар, асарларни мафкуравий таҳлил ҳамда плюралистик тафаккур нуқтаи назардан тасниф этиш, эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон таҳлиллари асосидаги назарий қарашларни ўрганиш, миллий адабиётнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги аҳамиятини кўрсатиш бугунги адабиётшунослик ва адабий алоқалар йўналишларида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон «Баркамол авлод йили» давлат дастури ҳақида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

XX аср ўзбек адабиётини ижтимоий-эстетик, ижтимоий-мафкуравий тамойиллар асосида ўрганиш, унинг адабий сиёсати, хориждаги тадқиқига оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Indiana University, Michigan University, Madison University, Wisconsin University, Columbia University, Carleton College (USA), Universität Humboldt, Universität Bonn, Universität Frie (Germany), Central Asian Studies Institute (France), Tokio University (Japan), Baki Dövlət universiteti (Ozarbayjon), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.wisconsinuniversity](http://www.wisconsinuniversity); [www.indiana.edu](http://www.indiana.edu), [www.humboldt.edu](http://www.humboldt.edu) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳондаги XX аср, шу жумладан, ўзбек жаҳид адабиётининг бадиий-эстетик, ижтимоий-ғоявий вазифалари, миллий тикланишдаги ўрнини очиб беришга йўналтирилган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: Фитратнинг «Мунозара» асари ўз даври ижтимоий-сиёсий манбалари, хусусан, «Сироту-л-мустақим» газетаси билан боғлиқлиги аниқланган; ислом ўлкалари маърифатпарварларидан Жамолиддин Афғоний ва Муҳаммад Абдуҳ қарашлари Фитратга сезиларли таъсир этганлиги исботланган (Tokio University, Japan); А.Қодирий «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романларининг Жонатан Куллер, Катерина Клак, Проп назарий қарашлари ривождаги ўрни ва аҳамияти белгиланган (Washington University USA); XX аср ўзбек адабиётидаги эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамонлар генезисига доир муҳим хулосалар чиқарилган (Indiana University, Columbia University, Virginia University, USA; Universität Frie, Germany); 1920-1930 йиллардаги «сандиқ адабиёти»га хос хусусиятлар аниқланиб, XX аср Туркистон даврий нашрларининг адабиётдаги янги қарашларга таъсири масалалари бирламчи манбалар асосида кўрсатиб берилган (Universität Humboldt, Germany). Бугунги кунда Мичиган университети докторанти (АҚШ) Кристофер Форт XX аср ўзбек адабиёти намуналари тадқиқига оид изланишлар олиб бормоқда<sup>4</sup>.

Дунё адабиётшунослигида XX аср ўзбек адабиётининг ўрганилиши бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: XX аср ўзбек адабиёти ва адабий тарихининг индивидуал хусусиятларини аниқлаш; эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон генезиси таҳлиliga асосланган назарий қарашларни такомиллаштириш; XX аср ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётшунослигидаги назарияларни ривожлантиришдаги аҳамиятини очиб бериш; миллий адабиётнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги аҳамиятини кўрсатиш; XX аср ўзбек адабиёти тараққиёти босқичларини жаҳоннинг энг машҳур ижодкорлари асарлари мисолида очиб бериш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX аср ўзбек адабиётининг АҚШдаги тадқиқи ўзбек адабиётшунослигида яхлит ва тизимли ўрганилмаган. Хориж олимлари тадқиқотларини объектив ўрганиш, асосан, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланди<sup>5</sup>. Мазкур изланишларда асосий эътибор

<sup>4</sup> www.michigan.uni.edu

<sup>5</sup> Исмаатуллаев Х. «Ўтган кунлар», нашрлар, таржималар, тадқиқотлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. – № 4. – Б. 122–134; яна ўша: Абдулла Қодирий абадиёти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1994. 14 октябрь, 11 ноябрь; яна ўша: Ўзбек адабиётининг оламшумул шухрати. – Тошкент: Фан, 1996; яна ўша. Чўлпон ва жаҳон // Reform movements and revolutions in Turkistan: 1990 – 1904. – Haarlem, 2001. – pp. 227–286 (китоб инглиз ва турк тилларида, мақола ўзбек тилида – З.М.); Иноғомов Р. Қодирий жаҳон кезади // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1994. – № 3 – 4; Турдиев Ш. Бехбудий Америкада // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1992. 17 апрель; Болтабоев Х. Хорижда фитратшунослик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1992. 27 март; яна ўша: Ўзбек адабиётининг америкалик дўсти // Туркистон. – Тошкент, 1997. 15 октябрь; яна ўша: Хорижда чўлпоншунослик // Туркистон. – Тошкент, 1997. 26 ноябрь; яна ўша: Фитрат ва жаҳидчилик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007; Ҳаққулов И. Чўлпон шеърятининг хорижда ўрганилишига доир //

жадид адабиётининг хориждаги таҳлиliga қаратилган бўлиб, XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши махсус тадқиқ этилмаган. Истиклолга қадар юзага келган изланишларнинг аксарияти ижтимоий-сиёсий вазият таъсирида яратилганлиги сабаб уларнинг йўналиш ҳамда тамойиллари сиёсий тузумлараро кечган антогонистик курашлар билан чамбарчас боғлиқ тарзда намоён бўлган<sup>6</sup>.

Бугунги кунда ўзбек адабиётининг хориждаги тадқиқи ва таржимасига оид таҳлиллар республика матбуотида асосан суҳбат жанри шаклида акс этаётганини алоҳида қайд этиш жоиз<sup>7</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режаси ҳамда ФА–Ф1–Г040 «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир»(2011-2016й.), ФА–ФЁ1–Г006 «Ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши» (2010-2012 й.), И.2–12 «Хорижда ўзбек адабиётшунослиги: тадқиқ ва таржима» (2013-2015 й.) лойиҳалари асосида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** АҚШ олимларининг XX аср ўзбек адабиётига оид тадқиқотларида акс этган ижтимоий-эстетик таҳлил бирлигидаги яхлитлашув жараёнларини муайян манбалар асосида кузатиш, илмий мактаблардаги айрим концептуал муштарак ва ўзига хос жиҳатларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқотда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилди:

XX аср ўзбек адабиётининг хориждаги тадқиқига оид илк изланишлардаги ёндашув принциплари, асосий йўналиш ва тамойилларни мавжуд манбалар асосида кўрсатиш;

Америка олимларининг қарийб юз йиллик адабиётимиз намуналари таҳлиliga бағишланган тадқиқотларини даврлаштириш, улардаги умумий ва ўзига хос тамойиллар ҳамда илмий-назарий қарашлар моҳиятини белгилаш;

ўзбек ҳамда Америка олимларининг муайян бадиий асар ғояси, бадиияти талқинидаги муштарак ва фарқли жиҳатларнинг назарий-методологик асосларини аниқлаш;

ўзбек ва хориж адабиётшуносларининг миллий-эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон ҳақидаги кузатишларини таснифлаш;

---

Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – № 3–4. – Б. 19–21; Каримов Б. Абдулла Қодирий – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 203–220. Қаҳҳоров Т. 20–30-йиллар ўзбек адабиётининг Туркияда ўрганилиши. Филол. фан. номз...дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

<sup>6</sup> Ғоявий кураш ва ўзбек адабиёти / Л.Қаюмов, М.Нурмухаммедов, М.Қўшжонов ва б.; – Тошкент: Фан, 1985.

<sup>7</sup> Қаранг: З. Клайнмихел. Яна ва яна Навоий ижодида қайтаман (суҳбатдош Б.Каримов) // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 12 – Б.127-131; Х. Коматсу. Ўзбек тилини мустақил ўргандим (суҳбатдош Б.Каримов) // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2017. – №4. – Б. 122-125; М. Риис. Ўн йиллик меҳнат самараси (суҳбатдош З.Мирзаева) // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2014. – № 4. – Б. 95-101; М. Тоутант. Оламшумул Навоий (суҳбатдош З.Мирзаева) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2016. 3 февраль; Б Пере. «Алишер Навоий ижоди – мўъжиза» (суҳбатдош З.Мирзаева) // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2017. – №2. – Б. 177-181.

ўзбек адабиётидаги баркамол шахс ва идеал жамият муаммоларининг бадий талқинлари асосида эстетик идеал ташувчи типик образ (модел)ларнинг пайдо бўлиш сабаблари, миллий-эстетик тафаккур тадрижидаги ўрни масалаларининг яхлит манзарасини белгилаш;

миллий адабиётимизда яратилган рамзий образлар моҳиятини жаҳон адабиётшунослигидаги назариялар, миллий ва хорижий манбалар асосида белгилаш;

Америка олимлари бадий матн таҳлилидаги баҳсли қарашларининг объектив ва субъектив омилларини аниқлаш;

XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиш даражаси ва бугунги кундаги асосий тадқиқот тамойилларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти.** Америкадаги ўзбек адабиётшунослигининг Э.Олворт, Х.Мурфи, Р.Микаллеф, А.Оғир, Р.Ҳаррел каби турли авлод вакилларининг XX аср ўзбек адабиёти таҳлиliga оид тадқиқотлари ишнинг асосий объекти вазифасини бажарди. Қиёсий таҳлил учун Э.Наби, А.Холид, Д.Монтгомери, Ш.Лайнс, Англия, Туркия, Германия ҳамда XX аср адабиёти муаммолари билан шуғулланган ўзбек олимларининг айрим изланишлари ҳам тадқиқотга жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети.** АҚШ олимларининг XX аср ўзбек адабиёти таҳлилидаги ёндашув принциплари, асосий йўналиш ва тамойилларни очиб бериш, бадий матн тадқиқига оид баҳсли қарашларнинг объектив ва субъектив омилларини белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қиёсий (қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик), аналитик, интуитив, гипотетик, компаративистик ва герменевтик таҳлил методларига хос тамойилларга амал қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши тарихи илк бора инглиз, немис ва турк тилларидаги манбаларнинг тарихий-ижтимоий, қиёсий-аналитик таҳлили асосида умумлаштирилган;

Америка олимларининг XX аср ўзбек адабиётига оид изланишлари натижалари адабиётимизнинг халқаро миқёсда концептуал тадқиқ этилиши нуқтаи назаридан очиб берилган;

миллий сўз санъатимизнинг хорижда илк бора тадқиқ этилишидан мустақиллик йилларигача ва ундан кейинги даврларга хос ёндашув принциплари яхлит тизим сифатида даврлаштирилган;

АҚШ олимлари изланишларидаги қарашлар индивидуаллигининг назарий-методологик асослари аниқланган;

миллий-эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамоннинг эстетик идеал ташувчи образ сифатидаги генезиси ва эволюциясидаги ўрни очиб берилган;

жаҳон адабиётшунослигининг илғор назариялари асосида тадқиқ этилган рамзий образлар ва уларнинг бадий матндаги ижтимоий-ғоявий вазифалари тадқиқи билан боғлиқ мунозарали қарашларнинг объектив ва субъектив омиллари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мавзуга оид муаммолар хулосалари бугунги ўзбек адабиёшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беришига, ўзбек-хориж адабий алоқаларини янада ривожлантиришга, XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилишига оид хорижий материаллар эса миллий манбаларни бойитишга хизмат қилиши асосланган;

тадқиқотларнинг ижтимоий-мафкуравий мезонлардан интеллектуал қаҳрамон ҳамда рамзий-мажозий образлар моҳияти сари янгилана бориши, аналитик ёндашувларнинг чуқурлашуви миллий ва ғарб адабиёт-шунослигининг етакчи назариялари воситасида ёритилган;

эстетик идеал ва эстетик идеал антиподи масалаларининг ижтимоий-эстетик уйғунликда ва миллий характерда акс этган бадиий-эстетик тамойиллари ўзбекона тафаккурга мутаносиблиги кўрсатиб берилган;

АҚШ олимлари тадқиқотларининг айрим ўринларида бадиий асар марказида турувчи характерларга хос хусусиятлар назарий жиҳатдан асосланмаганлиги, миллий образлар бадиий-эстетик олами тўла инкишоф этилмаганлиги далилланган;

тадқиқот хулосалари, муайян илмий фактлар асосида ўзбек адабиёти жаҳон адабиётшунослигининг ажралмас бўлаги эканлиги, бадиий тафаккур ва эстетик фикрлаш борасида жаҳоний миқёсда яхлит ўрганишни тақозо этувчи жараёнларга ўзбек адабиётшунослиги диққат қаратиши зарурлиги исботланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, илмий-назарий маълумотларнинг мавжуд манбалардан олингани, чиқарилган хулосалар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср ўзбек адабий алоқалари генезиси, тадрижи ҳамда ўзбек адабий танқидчилиги тарихини хорижий манбаларга таяниб ўрганишда, миллий сўз санъатимизнинг хориждаги тадқиқи, таҳлили, таъсир ва типология масалаларига оид тизимли тадқиқотлар яратишда, ўтган асрнинг етук шоир ва ёзувчиларига бағишланган энциклопедиялар тузишда, мавжуд энциклопедияларни тўлдиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, адабий алоқалар, таржима назарияси ва амалиёти илмий тарихини ёритишда, XX аср ўзбек адабиёти тарихи бўйича махсус курслар, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар яратишда, Ўзбекистон телерадиокомпаниясида халқаро алоқалар тарихи, ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётшунослиги ривожига ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ ибратли жиҳатларни кенг тарғиб ва ташвиқ этишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши генезиси, тараққиёт босқичлари, эстетик идеал ташувчи моделларнинг пайдо бўлиш сабаблари, миллий-эстетик тафаккур тадрижидаги ўрни масалаларини тадқиқ этиш жараёнида эришилган натижалардан:

хорижда Абдулла Қодирий романларининг 1980 йилларда структурал, формал таҳлил методлари асосида ўрганилиши жаҳон адабиёти назариячилари қарашларини ривожлантиргани;

«Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг жаҳон адабиёт-шунослиги назарий қарашлари асосидаги индивидуал таҳлил услубларини такомиллаштириш асосида миллий манбаларни бойитишда ФА–Ф1-Г039 «Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий» қомусларини яратиш» (2012-2016 йй.) фундаментал тадқиқот лойиҳасининг «Абдулла Қодирий қомуси» сўзлигини тайёрлашда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 2 октябрдаги ФТА-02-11/764-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида қомусда акс этган Қодирий ҳаёти ва ижодига оид талқинлар ривожлантирилган, адиб асарларининг жаҳон адабиёти назарияси асосидаги қиёсий-типология таҳлиллари аҳамияти илмий концептуал жиҳатдан исботланган;

адабиётнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги аҳамиятини кўрсатишда илмий натижалар Coastal Carolina University (АҚШ) ҳамкорлигида амалга оширилаётган «XX аср ўзбек адабиётининг инглизча таржималари» халқаро лойиҳасини такомиллаштириш ҳамда университет талабаларига жаҳон адабиёти намуналаридан маърузалар ўқишда таянч манба бўлиб хизмат қилган (Костал Каролина университетининг 2017 йил 21 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижалар XX аср ўзбек адабиёти намуналарининг инглиз тилидаги мукамал таржималарини яратиш, таржима жараёнида бадиий асар мазмуни ҳамда рамзий-мажозий образлар моҳиятини чуқур англашга хизмат қилган;

Тадқиқот материаллари ва хулосаларидан, «XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши» (1,2 китоблар) монографиясидан АҚШнинг Индиана, Мичиган университети талабалари, магистрлари, ўзбек адабиёти ва адабий тарихи йўналишида тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар фойдаланмоқда. (Индиана университетининг 2017 йил, 3 ноябрдаги маълумотномаси)

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек, «[academia.edu](http://academia.edu). **Zulhumor Mirzaeva**» халқаро сайтида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 60 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 18 та илмий мақола (5 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқот ҳажми 250 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миллий уйғониш даври адабиётининг хорижда ўрганилиши генезиси**» деб номланган биринчи бобида XX ўзбек адабиётининг хориждаги тадқиқи тарихи, босқичлари, дастлабки изланишлардаги асосий тамойиллар, ижтимоий-эстетик қарашлар тизимли равишда таҳлил этилди.

«Илк изланишлар ва ёндашув принциплари» номли биринчи фаслда ўзбек муҳожирларининг биринчи авлоди—Усмон Хўжа ўғли, Мустафо Чўқай, ЗакиВалидий Тўғон, Абил Завқий, И.Тўлқинкаби юртдошларимизнинг жадид сўз санъати таҳлилига бағишланган тадқиқотлари ўрганилган. Улар Туркистондаги мустамлакачиликка қарши кураш ғоялари акс этган бадий ижод намуналарига муносабатларини Истанбул («Янги Туркистон», 1927-1930), Париж («Ёш Туркистон», 1929-1939) ва Берлин (Янги Туркистон, 1942-1945) шаҳарларида ўзлари нашр этган журналлар воситасида акс эттирганлар. Жумладан, Чўлпоннинг «*Халқ*», «*Зиёи қамар*» номли шеърлари «Янги Туркистон»нинг 1927 йил 1-сонидан илк бора нашр қилинган эди<sup>8</sup>. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Берлинда нашр этилган «*Миллий Туркистон*» журнали ушбу йўналишда фаолият юритган хорижий нашрлардан ўзбек ва инглиз тилларида чиқарилганлиги билан ажралиб туради<sup>9</sup>. Журналнинг асосий мақсади ҳам Туркистондаги сиёсий воқеалардан ғарб оламини хабардор этиш, озодлик ғоялари тараннум этилган миллий адабиётни ижтимоий ҳаёт билан узвий алоқада ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали жамоатчиликда шов-шувли мунозара кўзғашдан иборат бўлган. Ана шундай баҳсларга сабаб бўлган тадқиқотлардан бири А.Завқий ва И.Тўлқиннинг «*Шоир Чўлпон*» номли мақоласи эди. Унда шоирнинг «*қўлига тушган қогоз парчалари, газета-журнал ҳошияларига, баъзан эса папирос қутиларига ёзилган*» шеърлари таҳлил қилинган. Муаллифлар Чўлпоннинг

<sup>8</sup> Исмаатуллаев Х. Чўлпон ва Жаҳон. Reform Movements and Revolutions in Turkistan: 1900-1924. 2001. – P. 229 (китоб инглиз ва турк тилларида, мақола ўзбек тилида – З.М.).

<sup>9</sup> Э.Олворт суҳбатларимиздан бирида Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек жадид адабиётига қизиқишида «Миллий Туркистон» нинг муносиб ўрни борлигини таъкидлаган эди. Бу ҳақда қаранг: Мирзаева З. Манзилян узок, кўнгилга яқин (Америка олими Эдворт Олворт билан суҳбат) // XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 222.

1932 йилда шўролар конгресси жараёнида, тик оёқда яратилган, «*Epoch*» номли сигарет қутисига ёзилган «Эпоха» («*Чекинг порани, куллари кўкларга соврилсин*»; «*Let this Epoch smoke, Its ashes will disperse with all the wind*») шеъри таҳлилида ҳам «Чўлпон ёзган шеърларида большевиклар тузумига қарши нафратини рамзли ифодалаш йўлидан боради», деган хулосага келади. Мақолада таъкидланишича, Чўлпон шеъри битилган картон қоғоз парчаси бутун конгресс бўйлаб қўлдан-қўлга ўтиб, ҳукумат раҳбарларини таҳликага солган экан<sup>10</sup>. Эҳтимол, Чўлпон кўнглига яқин бўлмаган мажлисдаги гап-сўзлардан чалғиш учун шунчаки жўн бир машқ қилган бўлса ҳам, «пора»ни «эпоха»га айлантириб талқин қилишни хуш кўрган вульгар социологизмга мойил ўша давр адабий-сиёсий қарашлари, қолаверса, шоирга қарши кайфиятдаги айрим кимсаларда бу ҳол ўзига хос резонанс уйғотган бўлиши ҳам мумкин. Хориждаги муҳожирлар 1930-йилларда Туркистонда шўроларга қарши ошқора адабий ва ижтимоий кураш ҳақидаги ахборотлар Ғарб китобхонлари учун қизиқарли эканини билишар, қолаверса, уларнинг ўзлари ҳам ҳар қандай адабий матнни ижтимоий-сиёсий йўсинда талқин қилишга мойил эдилар.

Диссертацияда ўзбек муҳожирларининг кейинги авлодларидан Боймирза Ҳайитнинг адабиётшунослик мезонларида яратилган «Замонавий ўзбек адабиётида икки буюк сиймо: Қодирий ва Чўлпон» номли мақоласига ҳам муносабат билдирилди. Олимнинг «Ўткан кунлар» романи тили ва ёзувчи маҳорати, Чўлпоннинг «Кўзғалиш», «Гўзал Фарғона» каби ватанпарварлик руҳидаги шеърлари атрофида кечган объектив қарашлари эътироф этилди. Айни пайтда «Ўткан кунлар» романидаги Отабек образининг мустамлакачиликка қарши кураши ҳақидаги ўйларини ягона деталларга боғлаш, қаҳрамонни муаллиф дунёқараши, ижодий концепциясига таяниб таҳлил қилмаслиги натижасидаги субъектив хулосалари танқид қилинди.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, XX аср ўзбек адабиётининг илк тадқиқотчилари бадиий адабиётни, адабий ҳодиса ва фактларни ижтимоий ҳаёт билан узвий алоқадорликда ўрганишган. Таҳлил ва талқиннинг социологик ёндашув тарзи бадиий воқелик ва реаллик муносабатлари, унинг тарихан ҳаққонийлик даражаси, ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат муносабатлари сингари масалаларни ўрганишда қисман қўл келган.

Бобнинг иккинчи фасли «Ижодкор, жамият ва бадиий асар уйғунлиги трансформацияси» деб номланиб, унда 1925–30-йилларда Германияга ўқишга юборилган туркистонлик талаба Саттор Жабборнинг 2000 йилда Туркияда 1931 йилдаги нусха асосида нашр этилган, жаҳид адабиёти вакиллари ҳаёти ва ижодига бағишланган, адабий-танқидий йўналишдаги «Қутулиш йўлида» асари таҳлилга тортилган<sup>11</sup>.

<sup>10</sup> Zavki A, Tolqun I. The poet Cholpon // Milliy Turkistan. December, 1951; January, 1952. –№ 76. –P. 20.

<sup>11</sup> Settar Jabbar. Kurtulus Yolunda. – Istanbul: In Kommission Bei Franz Steiner Verlag Stuttgart, 2000, (1931). Диссертация биринчи бобининг иккинчи фасли Саттор Жабборнинг «Қутулиш йўлида» асарига махсус бағишланганлиги сабаби, биринчидан, мазкур китобнинг ўзбек илмий жамоатчилигига илк маротаба тақдим этилаётганлиги, иккинчидан, маърифатпарварлик адабиёти таҳлилига оид хорижда яратилган илк манбалардан бири сифатида диссертация дастлабки боби мақсадига тўла равишда хизмат қилиши билан изоҳланади.

«Кутулиш йўлида» китобининг дастлабки бўлимида мумтоз адабиёти-миз намояндаларидан Алишер Навоий, Лутфий, Аҳмад Яссавий ҳамда буюк алломалардан Мирзо Улуғбек, Ибн Сино ҳақида маълумот берилади. Бундай ёндашув ахборот характерида бўлса-да, муаллифнинг XIV–XVIII асрлар Шарқ тамаддуни ҳақида ифтихор билан сўз юритиши, ўша даврдаги Самарқанд, Бухоро, Қўқон каби шаҳарлардаги маданий тараққиётни Европа билан қиёслаши ижобий ҳодиса эди.

Китобнинг иккинчи бўлимида асосий эътибор Фитрат ва Чўлпонга қаратилади. Уларнинг Туркистон ижтимоий-сиёсий воқеаларидаги фаолияти, миллатга садоқати, миллатпарварлик руҳида ёзилган шеърлари таҳлил қилинади. Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси Шиллернинг «Вилгельм Телль» («Wilhelm Tell») асари билан қиёсланади. Муаллиф ҳар иккала драмадаги етакчи коллизия эркин дунёни барпо этиш орзу-идеали билан реал воқелик ўртасидаги зиддиятдан иборатлигини теран ёритиб бера олмаса-да, таҳлилнинг қиёсий йўсинда олиб борилиши ўша давр адабиётшунослиги учун катта аҳамиятга эга эди.

«Кутулиш йўлида» китобида Саттор Жаббор Чўлпонни «XX асрнинг энг машҳур шоири, жаҳолат ва қуллик оловида ёнган афкор халқни золимлардан химоя қилган миллат қаҳрамонидир» дея эътироф этади<sup>12</sup>. Шоирнинг Европада ҳам машҳур бўлганлигини, «Фарғона» («Гўзал Фарғона» –З.М.) шеъри Боку, Истанбул, Берлин ва Москвадаги турклар тарафидан ҳам севилиб ўқилганлигини таъкидлаб, Чўлпоннинг «*нашр этилмаган, қалин жилдли «Олтин дафтар»и*» ҳақида ҳам маълумот берган<sup>13</sup>. Унинг фикрича, ушбу китобдан кучли ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърлар ўрин олган бўлиб, Туркистон халқининг оғир ҳаётини акс эттирувчи ойнаси бўлган.

Аммо XX аср бошларида ўзбек адабиётига кириб келган Мирий Сиддиқий, Сўфизода, Ҳамза, Таваллолар асарларидан келтирилган парчалар маърифий тарғибот характерида бўлиб, теран таҳлил этилмаган, Ҳамза Ҳакимзода эса ўз миллати ва эътиқодидан воз кечган, «янги тузум»ни улуғлаб, тор дунёқараш билан нотўғри позицияда турган шоир сифатида баҳоланади. Унинг ижодкор сифатидаги иқтидори, ижодий мероси ифода воситалари ва образлар оламига кўра ранг-баранглиги, умуман, XX аср ўзбек адабиёти тарихи учун Ҳамза ижодининг 1918 йилгача бўлган биринчи босқичи катта аҳамиятга молик экани эътиборсиз қолдирилган. Унинг ижоди дунёқарашига боғлаб талқин қилинганлиги боис асарларидаги ички такомил босқичлари етарлича англаб этилмаган. Бизнингча, муаллифнинг Ҳамза ижоди ҳақидаги бундай субъектив қарашлари шоир асарлари билан шўро матбуоти орқалигина танишиш имконига эга бўлганлиги билан ҳам изоҳланади.

<sup>12</sup> Юқоридаги манба. – Б. 44 (191).

<sup>13</sup> Бизнингча, муаллиф 1921 йилда Германияга чиқиб кетишидан олдин кўрган қўлёмаси хусусида сўзламоқда. Чўлпоннинг «Билим ўчоғи» журнали 1922 йил 1-сонидан босилган «Йўл эсдалиги» сафарномаси сарлавҳаси пастига «1921 йил 27 май» санаси қўйилган. Унда йироқ йўлдан келган сайёҳ ўз тили билан ошкор этолмаган дардларини комил ишонч билан: «Меним қаламим айтқандир... Ўқунг!... Меним дostonларимни, «Олтун дафтар»ни», – дейилади. Бизнингча, С.Жаббор ушбу асарни кўзда тутмоқда (З.М.).

Саттор Жаббор химик олим бўлишига қарамай, давр адабиёти намуналарини чуқур ва атрофлича таҳлил этиб, адабий танқидчилик соҳасидаги маҳоратини кўрсата олган. «Қутулиш йўлида» рисоласининг юзага келиши унинг миллий ғурур ва ифтихор туфайли Туркистон адабиёти ҳақидаги мулоҳазаларини немис халқи, кенг маънода, бутун Европага баён қилиш, айна пайтда ўқиш ва кундалик эҳтиёжларини қоплаш мақсади билан ҳам боғлиқ бўлган.

Ишнинг иккинчи боби «**Мафкура ва бадият муаммолари**» деб номланиб, унинг дастлабки фаслида 1950–1970 йиллардаги тадқиқотлари жтимоий-мафкуравий характериға кўра таҳлил қилинади.

Ўтган асрнинг 50–70-йилларида Америка ва Ғарб олимлари миллий адабий жараёндан шўроларға қарши бўлган ёзувчилар ва асарларни топишға бир қадар зўрма-зўракироқ ҳаракатлар қилишди, адабиёт иши ҳам сиёсий-мафкуравий характерда ўрганилди. Бу юмушға давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилишинатижасида «*адабий-сиёсий муҳолиф*» излаш ҳаракати олиму таржимонлар, ёзувчию публицистларни «*советиунос*» ва «*хорижиунос*»лар лагерига ажратиб ташлади.

XX асрнинг 1960–70-йиллари «*адабий-сиёсий муҳолиф*» излаш ҳаракатининг авж нуқталарға кўтарилган даври бўлиб, Э.Олворт, А.Бенингсен, Э.Уимбуш, Р.Баррет, Д.Монтгомери, Г.Моррис каби олимлар яратган тадқиқотлардан кўзда тутилган асосий мақсад Марказий Осиёдаги сиёсий вазият, мустамлакачилик, озодлик курашлари, шундай шароитни юзага келтирувчи шахслари жодини ўрганишдан иборат эди. Масалан, Америка олими Г.Моррис «Ўрта Осиёдаги совет адабиётида реалистик анъаналар сунъий равишда яратилган. Совет раҳбарларининг асосий мақсади адабиёт, хусусан роман, ҳикоя, пьеса каби адабий жанрларни оммалаштиришорқали рус тилини тарғиб қилишдан иборат бўлган»<sup>14</sup>, деб ёзади. Собик шўролар даврида маҳаллий халқларға нисбатан руслаштириш сиёсати ўтказилганлиги нуқтаи назаридан Г.Моррис қарашларида жон бор. Бироқ Г.Моррис ўлкада яшовчи ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик халқларининг ҳар бирида ўзига хос адабиёт қадим-қадимдан тараққий этиб келгани, улар айнан бир-бирини мутлақо такрорламаслигини билгани ҳолда, ҳудудий адабиётни яхлит тарзда ягона адабиёт сифатида баҳолайди. Ваҳоланки, бу халқларда ёзма ва оғзаки наср анъаналари, халқ китоблари, дostonчилик (*қаҳрамонлик, ишқий-романтик*) ва мемуарлар, маърифатпарварлик ҳамда жаидчилик руҳидаги насрий асарлар мавжуд эдики, улардаги кўпланлилик, кенг масштабlilik, композицион мураккаблик, сир сақлаш усулларининг қўлланилиши каби кўплаб белгилар романға асос бўла оларди. Демак, Г.Морриснинг юқоридаги хулосаси кучли пафосға йўғрилганидан ташқари, унда миллий адабиётларнинг ўтмиши, бугуни ва истикболиға, бу адабиётлардаги жанрлар тараққиётиға нисбатан нописандлик билан қараш оҳанги ҳам бўртиб кўринади. Адабиётшунос Ш.Турдиев АҚШ олимларидан Г.Моррис ва Д.К.Матушевскийларнинг Ўрта

<sup>14</sup> G. Morris. About Central Asian Literature // Central Asian Survey. 1961. – № 36. – P. 27.

Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанри ҳақидаги қарашларига муносабат билдиради. У гарчанд шўро адабий сиёсатида шовинистик мақсадлар ҳам мужассамлигини айтишга журъат этолмас-да, масаланинг моҳиятини тўғри англайди<sup>15</sup>.

Э.Олворт «Ўзбек адабий сиёсати» монографиясида совет даврида пайдо бўлган янги ўзбек реалистик насри ва драматургияси ривожиди форс ва француз адабиёти таъсиридаги турк романчилиги муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлайди<sup>16</sup>. Чиндан ҳам, Европа андозасидаги янги ўзбек реалистик насри ва драматургияси XX аср маҳсули эканлиги баробарида мазкур тур ва жанрларнинг илк ривожиди татар, озарбайжон, турк, араб ва форс адабиётлари тажрибасинингмуайян ўрни бор. Муаммонинг мазкур жиҳатлари С.Мамажонов, С.Мирвалиев каби адабиётшунослар изланишларида ҳам бир неча бор таъкидланган. Лекин ўзбек олимларининг ҳеч бири бир халқ адабиётининг таъсирини бошқа халқлар адабиётлари кўрсатган таъсирга қарама-қарши қўйишмаган. Қолаверса, ўзбек реалистик прозаси ва драматургияси ривожини ҳамда М.Авезов, Ғ.Мусрепов, Ч.Айтматов асарлари моҳиятини белгилашда А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, А.П.Чехов, Л.Н.Толстой, А.М.Горький, М.Шолохов сингари рус шоир, носир, драматурглари меросининг ҳаётбахш таъсирини тан олмаслик мантиқан нотўғри, илмий жиҳатдан асоссиз эди.

«Ўзбек адабий сиёсати» китоби ҳақида Г.Ҳидоятлов, Р.Аминов, Л.Қаюмов, М.Нурмуҳаммедов, М.Қўшжонов, Б.Назаров, С.Мамажонов ва бошқа ўзбек олимларининг тадқиқотлари ҳам мавжуд. Аммо ўша даврдаги ҳукмрон мафкура сабаб ўзбек хорижшунослари нафақат Э.Олворт, балки бошқа Америка «советолог»лари тадқиқотларига муносабат масаласида ҳам холис илмий позицияларини изчил ҳимоя қила олмаганлар. Улар таянган назарий-методологик асослар объектив хулосалар чиқаришга имкон бермаган. Натижада мазкур адабиётни «прогрессив» ва «регрессив» тарзида баҳолашнинг шўроча тамойилини тасдиқлашга мажбур бўлганлар.

Э.Олворт ўтган асрнинг 50–60-йилларида яратилган «Марказий Осиё адабиётида жадидона руҳият» номли мақоласида<sup>17</sup> Рауф Парфиёжоди таҳлилига тўхталади ва шоир шеърларини янги адабий феномен сифатида баҳолайди<sup>18</sup>. Э.Олворт Р.Парфи кечинмаларини мавҳум ижтимоий синфлар эмас, балки ички индивидуал муҳит воситасида баён этишини, тарих ва шахс ўртасидаги боғлиқликни аниқ бир макон – Бухоро орқали акс эттирганлигини, ўз кечинмаларини образли тасвирлаганини эътироф этади. Аммо олимнинг ушбу тадқиқотида ҳам асосий урғуни ғояга қаратиш ва адабий матнни сиёсатга хизмат қилдириш тамойили кузатилади. У бадиий асар поэтикасини ўрганишда лисоний унсурларни асос қилиб, формал метод имкониятларидан фойдаланади. Ғарб олимларидан Х.Бертенс ва

<sup>15</sup> Турдиев.Ш. Роман ва буржуа «советшунослари // Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. –Тошкент: Фан, 1991. – Б. 260.

<sup>16</sup> Allworth E. Uzbek Literary Politics. – The Hague: Mouton and Co., 1964. – P. 208.

<sup>17</sup> Allworth E. An old mood returns to Central Asian literature // Literature East and West. 1967. 11. 2. – P. 149-154.

<sup>18</sup> У шоирнинг «Бу кун бир туш кўрдим» (1966) шеърини инглиз тилига ўгириб, шеърнинг тўлиқ матнини мақоласига илова қилади. Шеърнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги тўлиқ матни диссертацияда келтирилган.

Н.П.Сакулиннинг назарий қарашларига кўра «муайян бадий асарни ижтимоий-ғоявий жиҳатдан таҳлил этишда структурал ва формал методлар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур таҳлил усуллари бадий матн моҳиятини, унинг ички ҳаётига яширинган муҳим нуқталарни ойдинлаштириш, асар яратилишидаги ижодкор руҳий кечинмаларини тўғри идрок эта олиш, калит сўзларнинг ички ва ташқи шакли, образлар структураси ҳамда сюжет тузилишидаги поэтик асосларни ойдинлаштиришда энг мақбул методлар» сифатида эътироф этилади<sup>19</sup>. Аммо Ғарб олимлари қарашларини инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, бадий матннинг ягона ижтимоий таҳлилга қаратилиши, айниқса, лирикада, унинг поэтикаси билан боғлиқ барча муаммоларини очиш, бадий-эстетик нуқтаи назардан тадқиқ этиш имконини бермайди. Рауф Парфининг «Букун бир туш кўрдим» шеъри моҳияти унда зухур топган Бухоро ва туш образларининг поэтик мотивига алоқадорликда янада кенгроқ очилади.

*Ул айирди мени ҳушимдан,  
Юрагимни кўрган эмишман...  
Букун бир туш кўрдим. Тушимда  
Бухорода юрган эмишман.*

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида хорижлик ҳамкасбларимиз ижодида мафкуравий муҳолифатнинг ўрни ёрқин сезилиб туради. Айни пайтда Америка олимларининг миллий адабиётимизга оид изланишларида қатор объектив фикрлар айтилганлигини ҳам эътироф этмоқ лозим. Аммо ўзбек адабиётшуносларининг аксарият қисми ўша пайтда бундай қарашларни: «ғоявий ва мафкуравий душманларимизнинг кирдикорлари ва тухматлари, буржуа ғанимларининг найранглари», – деб баҳолашди. Чунки хорижшунос олимларимиз таянган назарий-методологик асослар, адабий-сиёсий қарашлар Ғарб мамлакатларида амалга оширилган ишлар тўғрисида холис ва ҳаққоний фикрларни баён қилиш имконини бермади. Аксинча, социологик метод мавқеини мутлақлаштириш оқибатида вульгар социологизм кўринишларига йўл қўйилди, адабиёт аксарият ҳолларда ижтимоий омилларгагина боғлаб қўйилди.

Бобнинг кинчи фасли «Танқидий тафаккурда асарнинг поэтик янгиланиши масалалари (1970 – 1990)» деб номланади. XX аср замонавий ўзбек адабиёт тарихи ва маданияти юзасидан ўтган асрнинг 70-йилларидан кейин хорижда амалга оширилган тадқиқотларда фақат ғояга урғу бериш тамойилидан чекиниш ва ижтимоий-эстетик таҳлил бирлигига эришиш, бадий асар жанрлари этимологиясини тадқиқ этиш сингари соф адабиётшунослик мезонлари асосида ўрганиш жараёни бошланганлиги кузатилади. Жумладан, ўтган асрнинг 20-30-йилларида яратилган бадий асарларни назарий йўналишда ўрганган Эден Наби ўз тадқиқотида мунозара

<sup>19</sup> Bertens H. Literary Theory. Second edition. – London-New York, 2008; Сакулин П.Н. Филология и культурология. – М.: Высшая школа, 1990.

жанрига эътибор қаратиб, «унинг илк намуналарижадид адабиётига ҳам сезиларли таъсир этган», деб ҳисоблайди. Олима Фитратнинг «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи», Зариф Баширнинг «Ипак яктак», Жалол Икромийнинг «Қон билан тўлдирилган кўлмак» асарларини айнан мана шу жанрда ёзилган асарлар сифатида баҳолайди<sup>20</sup>. Эътиборлиси, АҚШ олимасининг Фитрат асарлари жанри атрофидаги мулоҳазалари миллий танқидчиликдаги шу мавзуга оид қарашларга зид бўлиб, жиддий парадоксал хулосаларни юзага чиқаради<sup>21</sup>.

Маълумки, мунозара жанри хусусияти асар мазмунининг икки ёки ундан ортиқ характерлар ўртасидаги суҳбати (диалоги) асосига қурилганлиги билан белгиланади. Фитрат юқоридаги ҳар икки асарида таъсирчан мурожаат усулидан фойдаланган ва бу тасодиф эмас, албатта. Диалогда эса муаллиф «мен»и муҳим аҳамиятга эга ва у ғоя, мунозара марказида «қўзғатувчи» ҳисобланади. У асарда кўтарилаётган мавзуни «супер мурожаат»воситасида халққа етказиш, англаш ва англатиш йўлидан боради. Демак, мана шу нуқтаи назардан Э.Набининг Фитрат асарлари жанри таснифидаги фикрлари асосли, деган фикрдамиз.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан Америка олимлари ўзбек адабиётини янгича ёндашув ва методлар воситасида таҳлил қилиб, АҚШ ўзбек адабиётшунослигини маълум маънода янги босқичга олиб чиқдилар. Масалан, Х.Мурфи Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларидагитасвир усулига хос анъанавийликни халқ оғзаки ижоди намуналаридан «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Тоҳир ва Зухра» ҳамда ўзбек мумтоз адабиёт дурдоналаридан «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари билан қиёсан тадқиқ этиб, улардаги муштарак нуқталарни илк бор Жонатан Куллер,<sup>22</sup> Мария Карти<sup>23</sup> назарий методлари асосида, қиёсий, аналогик ва структурал таҳлил усуллари воситасида ўрганган. Қодирий романларидаги қаҳрамонлар учун танланган исmlарда акс этган зиддиятли тушунчаларни, бурч билан боғлиқ қарашлар келтириб чиқарган конфликтларни, қобиллик ва ноқобиллик ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этиб, муайян муаммога биполяр зиддиятлар назарияси асосида ёндашган. Х.Мурфи таъкидича, «Ўткан кунлар»да акс этган кўп тармоқли зиддиятлар тасвири роман сюжетининг энг муҳим ва китобхон эътиборини ушлаб турадиган «энигматик» (жумбоқли) тасвир турига киради<sup>24</sup>. «Ўткан кунлар»да воқеаларнинг сирли баён қилиниши билан боғлиқ жиҳатларни махсус тадқиқ этган М.Қўшжонов Х.Мурфидан фарқли ўларок,

<sup>20</sup> Naby E. Transitional Central Asian Literature: Tajic and Uzbek prose fiction from 1909 to 1932. Columbia University, 1975. – P. 190-191.

<sup>21</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.102.

<sup>22</sup> Culler J. Defining Narrative Units. In Structure and Style in Literature. Cornell University Press, Ithaca, New York, 1975; Structuralist Poetics. Structuralism, Linguistics, and Study of Literature. Cornell University Press, Ithaca, New York, 1974;

<sup>23</sup> Corti M. An introduction to Semiotics. Bloomington: Indiana University Press, 1978.

<sup>24</sup> Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qadiriyy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions. Washington University, 1980. – P.130.

конфликтларга сабаб бўлган энг йирик объект ва субъектлар ўртасидаги зиддиятларга эътибор қаратган<sup>25</sup>.

Кейинги йилларда миллий адабиётшунослигимизда ҳам структурал таҳлил усули, унинг моҳияти, поэтик имкониятлари, мазкур методнинг ўзбек адабиёти материаллари татбиқидаги ўзига хос тамойилларига бағишланган айрим монографик изланишлар амалга оширилди ва қатор мақолалар эълон қилинди<sup>26</sup>. Аммо мазкур йўналишдаги тадқиқотлар мундарижаси ва хронологияси нуқтаи назаридан Х.Мурфи америкалик олим бўлишига қарамай, «Ўткан кунлар» романининг илк структурал тадқиқотчиси сифатида эътироф этилмоғи лозим.

Р.Микаллеф ҳам Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романига бағишланган тадқиқотида бадий асар композицияси, мавзуи, номи ва этимологияси, яратилиш тарихи, бадий асардаги асосий персонажлар, катализатор (қўзғатувчи) образлар, рамзий ифодалар каби масалаларни структур таҳлил воситасида тадқиқ этади ва символлаштирилган образлар хусусида фикр юритади. Хусусан, олиманинг *ёлғиз фарзанд* (Отабек, Кумуш) ва унинг *ўлими* ёки *пароканда* бўлиши, қаҳрамонларнинг ўз ажали билан ҳалок бўлмаслиги (*Кумушнинг Зайнаб томонидан захарланиши*) билан боғлиқ фожиа тасвирида жонли ҳаёт картиналарини кўришга мойиллиги кузатилади. Р.Микаллеф хулосаларида ҳар бир мажозий ифода моҳиятида реал фожиа тасвири мужассам деган қараш устуворлик қилади.

Ўтган асрнинг 70–80-йилларида Ҳ.Беттерсби<sup>27</sup>, Д.Монтгомери<sup>28</sup> каби америкалик олимлар ҳам Ҳамид Олимжон лирикаси таҳлилида муҳаббат мавзусини ижтимоий оҳанглардан алоҳида таҳлил қилиб, шоирнинг шахсий кечинмалари тадқиқида объектив хулосаларга келган<sup>29</sup>. Аммо Л.Қаюмов шоирнинг бахт ва шодлик ҳақидаги шеърларини интим характер билангина чеклашни истамай, унинг поэзияси лейтмотивида ижтимоийликни кўриб, Д.Монтгомери тадқиқотини шоир ижодини сохталаштиришга

<sup>25</sup> Кўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – Б. 136.

<sup>26</sup> Куронов Д. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида). – Тошкент: Фаъ, 1998; Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007; Болтабоев Ҳ. Теранлик / Адабиётимиз фаҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б. 202-214; Мелиев С. Структурализм ва структурал таҳлил ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №2 – Б.12-20; Қаҳрамонов Қ. Адабий танқидда структурал метод талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – №5. – Б. 34-38; Ёкубов И. Структурал поэтика имкониятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – №3. – Б. 3-12.

<sup>27</sup> Battersby Harold R. The Uzbek Novel as a Source of Information Concerning Material Cultures: Uzbek Town Planning, Urban Development and Structures Based on Information Given in Asqad Mukhtor's Novel «Sisters». Indiana University, 1969; Battersby Harold R. Asqad Mukhtor: an Uzbek Writer and His Work // Central Asiatic Journal 15.1 (1971). – P.55-74.

<sup>28</sup> Montgomery D C. Career Patterns of Sixteen Uzbek Writers // Central Asian Survey. 1986. – № 3-4. – P.205-2 20; Montgomery D C. Stalin in the Writings of Hamid Alimjan: A Case Study of Manifestations of the Cult of Personality in the Literature of Soviet Uzbekistan // Central Asian Survey. – № 8.1989. – P.31-51; Montgomery David C. Zaynab and Aman: Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930, a Story Poem by Hamid Alimjan Cultural / Changes and Continuity in Central Asia. – London: School of Oriental and African Studies, 1991. – P.1-13; Montgomery D C. Hamid Alimjan – Soviet writer and publicist / European Conference on Central Asian Studies. – New Mexico, 1973.

<sup>29</sup> Montgomery, D C. Zaynab and Aman: Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930, a Story Poem by Hamid Alimjan / Cultural Changes and Continuity in Central Asia. – London: School of Oriental and African Studies, 1991. – P.13; Hamid Alimjan – Soviet writer and publicist / European Conference on Central Asian Studies, New Mexico, 1973.

уриништарзида бирёқлама баҳолайди<sup>30</sup>. Ўтган асрнинг 80-йилларига қадар муайян бадиий адабиётнинг таҳлил ва талқинида асосан марксча-ленинча методологияга таянилганлиги боис Л.Қаюмов қаторида бошқа ўзбек олимларининг ҳам бадиий адабиёт, хусусан, адабий танқидчилик соҳасидаги «мафкуравий душман»ларни фош этишга уринишлари адабий сиёсатнинг кучли таъсири натижаси эди.

Демак, XX асрнинг 70-90-йилларида АҚШ олимлари тадқиқотларида сиёсий-ғоявий таҳлил усули сусайиб, соф адабиётшунослик мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жараёнлари бошланганлиги кузатилади. Э.Наби, Х. Мурфи, Р.Микаллеф қаторида бошқа Америка олимлари ўзбек адабиётини В.Эмпсон, Ж.Куллер, М.Карти, К.Кларк каби жаҳон адабиётшунослари назарияси асосида таҳлил этдилар. Тадқиқотчиларжамятни ислоҳ этиш учун муҳим бўлган маърифат, таълим, дин, маданият, ёшларнинг ижтимоий мавқеи, озодликка эришиш йўлидаги изланишлар сингари масалалар билан бадиий асарнинг ғоявий-сиёсий, ижтимоий-мафкуравий жиҳатларини ягона уйғунликда кузатишди. Улар бадиий матнларни рамзийлик, мажозийлик нуқтаи назаридан тадқиқ қилишга интилдилар.

Тадқиқотнинг «Америка ўзбек адабиётшунослигида образ ва қахрамон муаммоси»номли учинчи бобидауммонорти ўзбекшуносларининг «Миллий эстетик идеал ва интеллектуал қахрамон талқинлари»га бағишланган изланишлари тадқиқ этилади. Диссертацияда XX аср ўзбек адабиётидаги миллий эстетик идеал ва интеллектуал қахрамон тадрижининг ижтимоий-тарихий ва адабий-назарий жиҳатлари; интеллектуал қахрамонларнинг ижодкор тафаккури, эстетик идеали ва дунёқарашининг бадиий умумлашмаси – бадиий асар ғояси муштараклигида вужудга келиш ҳодисаси; миллий адабиётда интеллектуал образларнинг яратилиш омиллари, мезонлари, уларда акс этган тамойиллар; интеллектуал персонажларнинг бадиий асардаги вазифалари ҳамда уларнинг макон ва замон нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши, шунингдек, эстетик идеал антиподи масалаларига эътибор қаратилди. Хорижлик олимлар—Э.Олворт, Д.Монтгомери, А.Холид, Р. Микаллеф, Ш.Лайнс, А.Оғир (Америка), қиёсий таҳлил учун Х.Коматсу (Япония) изланишларида жаҳид адабиёти намуналарида ифодасини топган интеллектуал образлар ва ижодкор эстетик қарашларининг ўрганилиши тамойиллари атрофлича, қиёсий-типологик (герменевтик ва компаравистик) йўсинда тадқиқ этилди. Асосий эътибор ҳинд сайёҳи («Ҳинд сайёҳи»), фаранги («Мунозара»), Отабек, Кумуш, Юсуфбек хожи («Ўткан кунлар») каби эстетик идеал ташувчи типик образ (модел)ларнинг пайдо бўлиш сабаблари, бадиий матннинг ижтимоий-ғоявий ҳамда рамзий-мажозий талқинлари, миллий образларнинг эстетик тафаккур тадрижидаги ўрни масалаларини таҳлил ва тадқиқ қилишга қаратилди.

---

<sup>30</sup> Қаюмов Л. Ўзбек адабиёти ва унинг чет эллик «танқидчилари» / Адабиёт ва замон. Мақолалар, адабий ўйлар, суҳбатлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981 – Б. 59.

XX асрнинг 50-70-йилларида эстетик идеал масаласи тадқиқида ҳам ижодкор дунёқараши билан боғлиқ тарзда тушунилувчи мафкуравий нуқтаи назар етакчилик қилди. Кейинги босқич (1970–1990)лардаги изланишларда эса мафкуравий қарашлар билан бир қаторда поэтик (хусусан, синергетик) ёндашув кучайган. Айни ўринда, айрим тадқиқотларда муаммо моҳиятига ижтимоий-сиёсий мезонлар асосида ёндашиш, тарафкашлик принципига асосланиб ноўрин ва бирёклама хулосалар чиқариш, муаллиф дунёқарашига етарлича аҳамият қаратмаслик тамойили кузатилади. Жумладан, А.Холид Фитратнинг «Мунозара» асари тадқиқида: «аксарият жади́д асарларида мусулмон бўлмаган шахслар муаллиф ғоявий мақсади тарғиботчиси сифатида тасвирланади ва ўз диний қарашларини баён этади. Араб тилида эркин гапира оладиган европалик зиёли образи жади́д қарашларини акс эттиради ва европалик замонавий мусулмонларга ўхшаб мунозара қилади. Фитрат «Мунозара» асарида ҳам «Ҳинд сайёҳи»даги сингари замонавий таълимга эга христианларнинг ислом дини ва таълимотини саводсиз мусулмонларга нисбатан яхшироқ тушунишлари мумкинлигини яна бир бор кўрсатган»,<sup>31</sup> дейди. Адиб Холиднинг Фитрат асарларида тасвирланган қаҳрамонларга бир томонлама муносабати ва уларга хос хусусиятларни белгилашида асосли мантиқ бор. Бу олим хулосаларида айни типдаги образларга характер яратишда полифоник тасвир унсурлари кириб келаётганлигини кўрсатади. Аммо А.Холид етакчи қаҳрамонларнинг ғайримуслим эканлигини жаҳон адабиётининг тасвир усулларига ҳамоҳангликдан<sup>32</sup>, шарқона тафаккур тарзи ва ментал хусусиятларнинг ўзига хослигидан изламайди. У Фитрат дунёқараши ва эстетик идеалини белгиловчи замонавий таълим масаласига эмас, балки диний-этник тафовутларга эътибор қаратиб, муаммо моҳиятига айирмачилик позициясидан ёндашади. Фаранги моҳият-эътибори билан ислом таълимотини, диний ва дунёвий билимларни чуқур ўрганиш баробарида Европа маданиятини ҳам ўзлаштирган маърифатпарвар образи, Фитратнинг эстетик идеалидаги тимсолдир. Бу образнинг юзага келишига Фитратнинг ўзи ва унга таниш бўлган жади́дларнинг характери ва фаолияти асос бўлиб хизмат қилган. Демак, «Мунозара» асарида гарчи фаранги ва бухоролик мударрис образлари яратилган бўлса-да, **адиб, аслида, ўзи билан ўзи баҳсга киришган.**

XX аср ўзбек романлари –«Ўткан кунлар», «Қутлуғ қон», «Тушда кечган умрлар» таҳлилига оид изланишлар олиб борган Аҳмат Оғир ушбу эпик асарларга хос образларни характерлашда муаллифнинг ҳаёт йўли, уни ўраб турган муҳит, индивидуал шахси, табиати, дунёқараши, шахсий тажрибалари ва ғояларига муҳим омил сифатида қарайди. У ёзувчиларнинг миллий қаҳрамон яратиш услуби ва принципларидаги индивидуал

<sup>31</sup>Khalid A. Representations of Russia in Central Asian Jadid Discourse / Russia's Orient. Imperial Borderlands and Peoples, 1700–1917. – Bloomington: Indiana University Press, 1997. – P. 196.

<sup>32</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 103.

хусусиятларни анча ишончли тадқиқ этишга муваффақ бўлган<sup>33</sup>. Олим идеал образларни кўп ҳолларда романтизм асосига қурилади, деб ҳисоблайди ва инглиз олими Жемес Вилсоннинг «романтик идеал қаҳрамонлар ақл-идрок воситасида ўз-ўзини англаш, жамиятда мавжуд муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилиш ва оқибат ўз ҳаётини халқ манфаатлари йўлида қурбон қилиш асосида яратилади», деган қарашларига таяниб, «Ўткан кунлар» романида ёзувчининг эстетик идеали акс этган «Отабек образи ҳам романтик қаҳрамон», деган фикрни қайд этади<sup>34</sup>. Мазкур фикрлардан кўринадик, А.Оғир романтизмни миллий ва индивидуал ўзига хослик, идеал қаҳрамонлар ва хис-туйғуларни тасвирлашга асосланган оқим сифатида талқин қилади ва Отабек образини унинг руҳияти, бадиий асардаги функцияси нуқтаи назаридан таҳлил этишга уринади.

Инглиз назариётчиларидан Клеймент романтик қаҳрамонларни ҳаёт мураккаблигига муносабати нуқтаи назаридан «пассив» ва «актив»га ажратади<sup>35</sup>. А.Оғир ҳам Клеймент назарияси асосида Отабекни «пассив қаҳрамон» деб баҳолайди<sup>36</sup>. Р.Микаллеф фикрича, ўзбек романларидаги оталар ижтимоий жамиятда фаол бўлса-да, оиланинг ички муаммоларини бартараф этиш масаласида «пассив, гунг ёки ўлик»<sup>37</sup>. Х.Мурфи ҳам «Ўткан кунлар»да ҳар томонлама етук маъшуқа сифатида тасвирланган Кумуш образи роман марказига олиб чиқилган бўлса-да, Қодирий асарда уни етарлича қаҳрамон даражасига олиб чиқа олмаган ва Кумуш ёндош характерларга нисбатан якунига етмаган, деган фикрни илгари суради<sup>38</sup>.

Кузатганимиздек, миллий адабиётимиздаги идеал қаҳрамонлар талқини борасида америкалик олимларнинг қарашларида ўзаро муштараклик кўзга ташланади. Аммо, таассуфки, мунаққидлар роман мазмун-мундарижасини белгилаш, характерлар моҳиятини тайин этишда ижтимоий муносабатларга асосландилар. Назаримизда, Америка мунаққидлари етакчи миллий образлар таҳлилида ижтимоий метод ва вульгар социологизм ўртасидаги нозик чегарани фарқлай олишмайди, натижада миллий характер мантиғига зид фикрлашади. Ҳолбуки, «ушбу образларни яратишда муаллифнинг асл мақсади ҳаётда мавжуд бўлган Юсуфбек хожи, Отабек ва Кумуш сингари инсонлар хислатларини улуғлаб, китобхонга сабоқ бўларлик образ яратиш эди»<sup>39</sup>.

<sup>33</sup> Ag'ir A. From Colonial to Post Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiriy, Oybek, Hoshimov). Wisconsin University, Madison, 2003.

<sup>34</sup> Ag'ir A. From Colonial to Post Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiriy, Oybek, Hoshimov). Wisconsin University, Madison, 2003. – P.14.

<sup>35</sup> Clement N.H. Romanticism in France. – New York: The modern language Association of America, 1974. – P.438 – 439.

<sup>36</sup> Ag'ir A. From Colonial to Post Colonial Future: Three Uzbek Novels (Qodiriy, Oybek, Hoshimov). Wisconsin University, Madison, 2003. – P. 101.

<sup>37</sup> Micallef R. The Role of Literature and Intellectuals in National Identity Construction. The Case of Uzbekistan. USA: University of Texas, 1997. – P.37 – 38.

<sup>38</sup> Murphy Ch. The Relationship of Abdulla Qodiriy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions: Washington University, 1980. . – P. 137-138.

<sup>39</sup> Қўшжонов М. Қодирий – эрксизлик қурбони. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 72.

Ўтган асрнинг 70 – 90-йилларида миллий интеллектуал қаҳрамон антиподи тасвири масаласи ҳам америкалик олимлар изланишларининг таҳлил марказида бўлган. Жумладан, М.Бехбудийнинг «Падаркуш» драмасыдаги Лиза, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги Мария, Нойиб тўра каби образларга муносабат билдирган Э.Олворт, А.Холид, Р.Микаллеф ва Ш.Лайнс каби олимлар уларни эстетик идеалга зид образлар – антиподлар шаклида талқин қилишган ва асосий эътиборни муаллифлар дунёқараши ва асар яратилган даврдаги халқ психологиясига қаратишган<sup>40</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, АҚШ олимлари миллий романдаги образларнинг бадиий-эстетик талқинида ғарбона дунёқараш, тарихий колоритдан келиб чиқиб фикр билдирганлар, миллий руҳни англай олмаганликлари сабабли аксиологик муаммоларнинг ёритилишида ҳар бир образга юклатилган эстетик залворни назардан қочирганлар. Айтиш пайтда, АҚШ олимлари XX аср ўзбек адабиётидаги эстетик идеал масалаларини жаҳон адабиётшунослигидаги илғор назарий қарашлар асосида тадқиқ этиб, янгича қарашлар билан миллий танқидчилик ривожига маълум маънода ҳисса қўшиб келаётганликларини ҳам қайд этиш жоиз.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «Адабиётшуносликда рамзий-мажозий образлар тадқиқи» деб номланиб, АҚШлик мутахассисларнинг миллий адабиётимиздаги рамзий-мажозий образлар таҳлилига бағишланган изланишлари жаҳон адабиётшунослигидаги энг илғор назарий қарашлар асосида ўрганилган.

XX аср ўзбек адабиётидаги рамзий-мажозий образлар тадқиқининг илк ва ўзига хос намунаси Э.Олвортнинг «Падаркуш» драмасыга бағишланган мақоласидир<sup>41</sup>. Олим ғоя ифодасига кўпроқ урғу берса-да, «Падаркуш»да акс этган тарихий ҳақиқатнинг бадиий талқини масаласини тўғри баҳолашга уринган эди<sup>42</sup>. Мазкур тадқиқот «Падаркуш»нинг рамзий моҳиятини асослаш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди: биринчидан, «Падаркуш»ни «заиф асар» қабилида бирёқлама баҳолаш тамойилининг буткул нотўғри эканлиги исботланди, иккинчидан, Бехбудий ижодини баҳолашда концептуал ёндашиш лозимлиги кўрсатиб берилди. Олворт «Ҳақиқат излаб» («Фитратона услуб») номли тадқиқотида<sup>43</sup> Абдурауф Фитратнинг диний мавзудаги «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни» асарларини англиялик шоир ва олим Вильям Эмпсон назарий қарашларига таяниб тадқиқ қилган<sup>44</sup>. Англиялик олимнинг «дудмаллик

<sup>40</sup> Европа олимлари Н.Гей ва В.Пискуновнинг таъкидлашича, эстетик идеал фақатгина ижобий қаҳрамон образи билангина чекланиб қолмайди, чунки унда бадиий воқеликдаги характерларнинг ўзаро муносабати, харакатлари, бирининг иккинчисига «интилиши» ёки «қочиши» кабилар ҳам мужассам бўлади. Демак, бундай типдаги образлар маълум маънода ўз вақтида идеал даражасига кўтарилган. Қаранг: Гей Н., Пискунов В. Эстетический идеал советской литературы. – М.: Наука, 1962. – С. 173.

<sup>41</sup> Allworth E. Murder as Metaphor in the First Central Asian Drama. Ural-Altai Yearbook, 58 (1986).

<sup>42</sup> Бу ҳақда қаранг: Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши (биринчи китоб). – Тошкент: Фан, 2011; Bekhbudiy's «Patricide» // Filologiya maseleleri. – Baku, (Azerbaijan), 2011. – № 11. – pp. 279-294.

<sup>43</sup> Allworth E. Evading Reality. Devices of Abdarauf Fitrat. Modern Central Asian Reformist. – Netherlandz: Brill Academic Publishers, 2000.

<sup>44</sup> Empson W. Seven Types of Ambiguity: A Study of It's Effects on English Verse. – London. 2007. Вильям Эмпсон инглиз миллий шеъриятида қўлланилган мавҳумлик (ambiguity) нинг етти муҳим категориясини аниқлаб, уларнинг бадиий адабиётда акс этиши билан боғлиқ ходисаларни тадқиқ этган. Унинг фикрича, сўз ўйини

категорияси» негизда муаллиф ақлининг мавҳум структураси воситасида характерланган, ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асардаги ғоявий мақсадини акс эттиришга имкон берадиган мавҳумлик кудрати ва унга эътиқод назарияси ётади. Э.Олворт фикрича, «Фитрат «Шайтоннинг тангрига исёни» ва «Қиёмат» асарларида «чалкаш метод», яъни фикрий мавҳумликни кучайтириш усули орқали совет амалдорлари ва давр цензурасини чалғитиб, атеизм қобиғида ўз ижтимоий-сиёсий ғояларини тарғиб қилган. Муаллиф мустамлакачи ҳукуматнинг гегемон ғояларига юзма-юз туришда, ғоявий мақсад тарғиботидатуркий тил имкониятлари, рамзий образлар ҳамда сўзлар тағмаёноларидан унумли фойдаланган»<sup>45</sup>. АҚШ олими Фитратнинг энг сўнгги ҳақиқатлари атеизм эстетикасида акс этганлигини бадиий матндан узоқлашмаган ҳолда лингвистик таҳлил орқали изоҳлашга ҳаракат қилган. Англашиладики, «Қиёмат» тадқиқига бағишланган мазкур изланишда олим илгари сураётган концепция бадиий асар ташқи шаклининг «сабаб экстрополяцияси»<sup>46</sup> асосига қурилган». Фитрат мустамлакачилик сиёсатига қарши онгли равишда, мақсадли курашган. «Қиёмат» да ҳам, аслида, чор мустамлакасининг нотўғри бошқарув тизими оқибатида ўлкада юз берган ички ва ташқи тартибсизликлар, яъни хаоснинг бадиий талқини акс этган. Қиёмат истилоҳи Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» қиссаси ҳамда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида мамлакатда авж олган тартибсизликлар ўзаро курашлар, қимматчиликнинг авж олиши, Россия ва Германия ўртасидаги уруш сабабли халқ ўртасида норозиликнинг авж олиши билан боғлиқ воқеалар тасвирида тилга олинган эди<sup>47</sup>. Бинобарин, Э.Олвортнинг «Қиёмат» ҳамда «Шайтоннинг тангрига исёни» асарларидаги рамзий мажозий образлар тадқиқига оид ижтимоий концепцияси ўзбек ва немис олимларидан Н.Владимирова ва З.Клайнмихел қарашларига ҳам ҳамоҳанг<sup>48</sup>.

Э.Олворт тадқиқотларидаги юқорида кўрилган таҳлил усули кейинги авлод вакиллари учун муайян таянч вазифасини бажарган. Э.Наби, Х.Мурфи, Ш.Лайнс, Р.Микаллеф, А.Оғирларнинг тадқиқотларида ҳам ўзбек сўз санъати намуналаридаги ижтимоий-ғоявий, бадиий-эстетик тушунчалар моҳиятини ўрганиш баробарида метафорик образларни тадқиқ қилиш орқали бадиий асар ички ҳаётига яширинган моҳиятни идрок этишга уриниш тамойилини кузатиш мумкин.

---

(тажнис), контраст ифодалар, мавҳумлик, кўпмаънолилиқ каби бир вақтнинг ўзида турли функцияларни бажарувчи сўз ва жумлалар бадиий адабиётда онгли ва онгсиз равишда акс этган ҳамда ижодкорлар бундай приёмларни қўллаш орқали таҳдиддан ҳимояланишган. Бу ҳақда кўшимча маълумотлар олиш учун қаранг: Encyclopedia of Literary Critics and Criticism. Volume II. Fitzroy Dearborn Publishers. – London-Chicago, 1996. – P.359-362; Cuddon J. A. Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. Published in Penguin Books. 1999. – P. 30.

<sup>45</sup> Allworth E. Evading Reality. Devices of Abdarauf Fitrat. Modern Central Asian Reformist. Netherlandz: Brill Academic Publishers, 2002. – P. 18-19.

<sup>46</sup> Бу ҳақда қаранг: Culler J. Structuralist Poetics. Structuralism, Linguistics and the Study of Literature. Cornell University Press. – Ithaca, New York, 1976.

<sup>47</sup> Чўлпон. Кеча ва кундуз. Роман. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 126.

<sup>48</sup> Владимирова Н. «Қиёмат» ни янгича ўқиш тажрибаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1993. – №2. – Б. 18; Kleinmichel S. The Uzbek short storywriter Fitrat's adaptation of religious traditions // Religious Perspective in Modern Muslim and Jewish Literatures. – London: Routledge, 2005. – P.123.

ШонЛайнсасосий эътиборни Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги «империя» атрофидаги воқеаларга қаратиб, ушбу истилоҳни жамиятнинг турли қатламлари орасидаги рамзий ифодаси билан тасвирлайди<sup>49</sup>.

XX аср ўзбек адабиёти намуналаридаги рамзий-мажозий образлар тадқиқида Р.Микаллеф ва А.Оғир миллий адабиётдаги ёлғиз фарзанд (асосан ўғил) ва унинг ўлими билан боғлиқ тасвирлардаги ички моҳиятни текшириш масаласига қаратади. Жумладан, Аҳмет Оғир «Қутлуғ қон» романидаги бош қаҳрамон – Йўлчи ўлими тасвиридаги рамзий моҳиятни Катерина Кларкнинг бир-бирига қарама-қарши концепцияларда юзага чиқадиган қандай (what is?) ва қандай бўлиши керак? (what ought to be?) формуласи асосида англашга ҳаракат қилади<sup>50</sup>. Олим фикрича, Ойбек ушбу концепция воситасида рус маданияти ва социалистик реализм анъаналарида мавжуд «ўлиш» ва «қайта тирилиш» фалсафасининг романдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади. «Ўлим ва ажралиш, ўлиш ва қайта тирилиш – ўзини қурбон қилиш орқали бошқаларга янги ҳаёт ҳадя этиш шўро даври адабиёти намуналарида мистик вазифани бажарган. Қаҳрамон матнда ўзини қурбон қилса, у жамоа учун яна қайта туғилиш вазифасини бажаради. Йўлчи ўлими ҳам романда мана шундай коллектив функцияга эга. У ўзини озод келажак учун қурбон қилди»<sup>51</sup>.

Шўро даври адабиётида бош қаҳрамоннинг умумий ғоя йўлида ўз жонини қурбон қилиш мотиви кўп учрайди. Лекин озод келажак ғояси шўро адабиёти учун «инқилобий ғалаба»ларга афкор оммани эргаштириш мақсадини кўзлайди. Бинобарин, дин «афюн» саналган адабий-мафкуравий сиёсат ва унинг бадиий инъикоси бўлган шўро даври романидан, хусусан, Йўлчи ўлиmidан мистик мазмун излаш ўзини оқлармикин? Йўлчининг стихияли исёни моҳиятида коллектив манфаатлардан кўра шахсий нафрат симптомлари кучлироқ эмасми? Ойбек эстетик идеалида ўз ифодасини топган тонг (озод ва эркин ҳаёт) — бу золимлар жазосини олиб, адолат барқарор бўладиган кун, қайсидир маънода янгиликлар ваъда қилаётган тўнтаришлардир. Демакки, бизнинг назаримизда, у «жамоа учун яна қайта туғилиш» фикридан йироқ. Аҳмет Оғир Йўлчининг ўлими билан боғлиқ рамзий-мажозий мазмун талқинида даврнинг мураккаб ижтимоий-психологик, муаммоли вазиятлари акс этганлигини тўғри белгилаганига қарамадан, тарихийлик принципига тўла таянмайди.

Жонатан Куллер наздида символ кўп ҳолатларда антитезага асосланади<sup>52</sup>. Америкалик олимлар Куллернинг **биполяр зиддиятлар назариясига** таяниб, бадиий асарларда акс этган образларнинг исмларидан келиб чиқадиган моҳият асосида асар ичига яширинган тугал ижтимоий моҳиятни тадқиқ этишга, образлар исмлари этимологиясини ўрганишга

<sup>49</sup> Shawn T.L. Resisting Colonialism in the Uzbek Historical Novel «Kecha va Kunduz» (Night and Day). 1936. // Inner Asia.3 (2001).

<sup>50</sup> Clark K. The Soviet Novel History as a Ritual. – Chicago and London: Chicago University Press, 1981.

<sup>51</sup> Clark K. The Soviet Novel History as a Ritual. – Chicago and London: Chicago University Press, 1981. – P. 178.

<sup>52</sup> Culler J. Structuralist Poetics. Ithaca, New York: Cornell University Press, 1974. – P.225.

ҳаракат қиладилар ҳамдабадий асарда акс этган характерлар концепциясида уларга берилган исмларнинг семиотик элемент сифатидаги ўрнига алоҳида урғу берадилар. АҚШлик олимлар фикрича, «Ўткан кунлар» романидаги Жаннат, Содик, «Падаркуш» драмасидаги Давлат, Тангрикул, Бой, Тошмурод, «Кеча ва кундуз»даги Акбарали мингбоши образларига танланган исмлар уларнинг символик табиатига нисбатан контраст қўйилади ҳамда муайян образ хатти-ҳаракатининг исм моҳиятига зидлигида характерлар фожиаси чуқурроқ намоён бўлади. Демак, Жонатан Куллернинг **биполяр зиддиятлар назарияси** асосида хулоса қилиш мумкинки, юз йиллик ўзбек адабиёти намуналарида образлар исмларини зидлантириш концепцияси мавжуд ва бу муайян анъана тусига кирган.

Хуллас, америкалик олимлар сўз санъати намуналаридаги яширин маънони тадқиқ этишда кўпмаънолиликни ифодаловчи бадий механизмлар – аллегорик ифодалар тадқиқига жиддий эътибор қаратадилар, эпизодни мажознинг миллий тикланишдаги ўрни нуқтаи назаридан тадқиқ этадилар. Бадий асарнинг асосий моҳиятини англашда символик ғоялар майдонидаги бадий элементларнинг, семиотик ва махсус кодларнинг мураккаб бирикмалар билан ички муносабатларини ўрганиш йўлидан борадилар. Ҳикоянинг шаклий қурилиши ва асарнинг етакчи мазмуни асосидаги рамзий маъноларни тадқиқ этиб, ўзига хос, кутилмаган хулосаларни келтириб чиқарадилар.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби **«Плюралистик тафаккур ривожини ва янгиланган эстетик тамойиллар»** деб номланиб, унинг дастлабки фасли «Бадий матн таҳлилида объектив ва субъектив омилларнинг роли» деб аталган.

Муайян бадий адабиётга ижтимоий-маданий ва халқаро ҳаёт инъикоси сифатида қараш, ундан фақат мафкуравий-сиёсий мақсадда фойдаланиш субъектив талқинларни юзага келтираверади. Ўзбек адабиёти тадқиқига оид изланишлар олиб бораётган айрим хориж олимлари мустақиллик йилларидан кейин ўз дунёқарашларига танқидий нуқтаи назардан қараб, уни ғоявий курашлар таъсиридан ҳимоялашга ҳаракат қилдилар. Улар ўз қарашларини янгиланган давр эстетик меъёрлари, плюралистик тафаккур ҳамда муроса фалсафасига таяниб, ўзига хос, бири иккинчисини такрорламайдиган тадқиқотларни яратдилар. Диссертацияда ушбу муаммонинг объектив ва субъектив жиҳатлари хорижий ҳамда миллий манбалар асосида тадқиқ қилинди.

Америка ўзбекшуносларидан Аҳмет Оғир XX аср ўзбек романларидан «Ўткан кунлар» (Абдулла Қодирий), «Қутлуғ қон» (Ойбек), «Тушда кечган умрлар»ни (Ў.Ҳошимов) тарихий аспектда, социологик адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганади. Романларни даврий изчиллик асосида тадқиқ қилиб, чор империясининг шаклланиш, тараққиёт ва таназзул давлари ва ижтимоий муносабатларнинг бадий инъикоси орқали статик (ўзгармас) ва динамик ўзгаришларни топишга уринади, таҳлил объектига мафкуравий-сиёсий нуқтаи назардан баҳо бериб, ўз хулосаларини жаҳон назариятчи олимларидан Антонио Грамси, Жорж Люкс, Фредрик Жемсон

қарашлари асосида изоҳлайди. Аммо олим ижтимоий фактларга ортиқча эътибор бериши натижасида, ҳодисаларнинг поэтик идрок этилишидаги индивидуаллик, инсон образи табиатига хос баъзи ноижтимоий жиҳатлар етарлича таҳлил этилмайди. Масалан, «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчини у «ўзбек ҳаётидаги янги типдаги интеллектуал» деб билади ва бу билан Ойбекнинг санъаткорлик маҳоратини схематизм доирасида изоҳлайди. Олим масалани шўро даври адабиётшунослиги манбаларига таяниб тадқиқ этганлиги боис Ойбекнинг воқеликни идрок қилиш принципига хос типиклаштириш табиатини тўлақонли очиб беролмайди.

Девид Монтгомери изланишларида асосий эътибор давр адабий-сиёсий вазияти, унинг ижод аҳлига таъсири масалаларига қаратилади. АҚШ олими Ҳамид Олимжон муайян муаммога гуманистик ечим топа олгани, характерларни миллий чизгиларда ифода этгани, асарда таълимий мақсадларни кўзлагани, образлар талқинидаги триада усулидан фойдаланганига эътибор қаратиб, илмий холисликка риоя қилган. У дoston тағматнида оила институтининг роли акс этганлигини ҳам илғаб, «Зайнаб ва Омон» асари бадииятининг сўзлардаги табиий ва равонлик, қиёфалар ёрқинлиги, оҳангдорлик, услуб гўзаллиги, ҳиссиётлар самимияти каби жиҳатларда намоён бўлишини тўғри қайд этган<sup>53</sup>. Олим диққат қилган яна бир аҳамиятли жиҳат қаҳрамонлар ўтмиши ва бугуни қиёсида кузатилувчи стереотипик қарашдир. Д.Монтгомери фикрича: «шоир Зайнаб ва Омонни етим қилиб тасвирлаш орқали ўзини баъзи сиёсий муаммолардан соқит қилишга эришган. Бундай йўл адабий қаҳрамонни тарихий ўтмишдан ажратади. Яъни шўро кишининг типик вакилига айлантиради»<sup>54</sup>. АҚШ олими бу билан дoston услубининг мафкуравий юкдан мутлақо холи эмаслиги масаласида объектив хулосага келади.

Ушбу фаслда кўйилган масалалар тадқиқи Америка ўзбекшунослигида муайян бадиий асарни адабиётшунослик мезонлари нуқтаи назаридан ўрганиш, аввалги даврларга нисбатан анча объектив баҳолаш жараёни бошланганидан дарак беради. Бадиий матнда тасвирланган воқеликнинг ички ва ташқи хусусиятларини ҳар тарафлама англашга уриниш, бир шаклнинг турли ракурслардаги таҳлили XX аср ўзбек адабиёти концепциясидаги янги тенденцияларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этди. Аммо, америкаликўзбек адабиёти таҳлили билан шуғулланган янги авлод вакиллари тадқиқотларида ҳам бадиий матндаги ижтимоий фактларга ортиқча урғу бериш, адабий ҳодисалардан фақат типиклик ва умумийлик излашга интилиш, бадиий асар ва унинг қаҳрамонларига тайёр андазалар асосида ёндашиш ижодкор идеал қаҳрамонига юклатилган эстетик залвор тўлақонли очилишига имконият бермади.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби иккинчи фаслида «Аналитик ёндашувларнинг чуқурлашуви» масалалари таҳлил этилган.

<sup>53</sup>Montgomery D. Zaynab and Aman. Love and Women's Liberation on a Soviet Uzbek Collective Farm in the 1930s, a Story Poem by Hamid Alimjan/ Cultural Change and Continuity in Central Asia. –London, 1991. – P.11

<sup>54</sup>Кўрсатилган манба. – P. 12.

Мустақиллик туфайли қарор топган илмий холислик тамойили нафақат миллий зиёлиларимиз, балки хорижлик олимларнинг ҳам жаҳидчилик даври борасидаги ижтимоий-адабий қарашлари, жаҳид адабиёти вакилларига бўлган муносабатларини қайта кўриб чиқишларига йўл очди. Бизнингча, бу ҳол умумшўро ҳудудида кечаётган жараёнларга ҳамоҳанг эди. Масалан, Ш.Турдиев, Б.Назаровкаби олимларнинг қарашларида сезиларли ўзгаришлар кузатилди.<sup>55</sup>

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бугунга қадар яратилган тадқиқотларда Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маиший воқеаларнинг адабий жараён билан боғлиқ тарзда синкретик йўсинда ўрганила бошланишининг объектив ҳамда субъектив сабаблари, макон ва замон билан боғлиқ жиҳатлари мавжуд. Диссертацияда бадиий асарга аналитик ёндашишнинг чуқурлаша бориши ана шу икки жиҳат асосида тадқиқ этилди.

Истиқлол даври танқидчилигининг янги вакилларида Рейчел Харрел адабий жараён масалаларига доир изланишлар олиб бориб, муайян масала тадқиқига турли ракурсларда ёндашади, бадиий асарни фақат ижтимоий ҳодиса сифатида эмас, балки ижодкорнинг қалб ҳарорати, зеҳн мантиғи ва эстетик тафаккури уйғунлигида пайдо бўлган санъат ҳодисаси сифатида изоҳлайди. Ижодкор тасавуридаги ранглар моҳиятини англашга, муайян ижод намунаси характерида индивидуаллашган хусусиятларни аниқлашга, символик образларнинг маъно қатламларини кашф этишга ҳаракат қилади<sup>56</sup>. Тадқиқотчининг XX аср ўзбек адабиёти, адабий жараён ва замонавий миллий шеърятнинг инглиз тилидаги талқинида акс этаётган камчиликлар хусусидаги теран фикрлари унинг нозик кузатувчанлик истеъдодига эга эканлигидан далолатдир<sup>57</sup>. Олиманинг ўтиш давридаги шов-шувли романлардан бири бўлмиш «Мувозанат» (У.Хамдам)габағишланган тадқиқоти ҳам ўзбек адабиётшунослари орасида жиддий баҳс-мунозарага сабаб бўлди<sup>58</sup>.

Р.Харрел «Мувозанат» романини структурал таҳлил методи воситасида тадқиқ этади. У роман сарлавҳасига эътиборини қаратар экан, романга танланган мавзуни (мувозанат – equilibrium) интенсив,шиддатли, таъсирли(intence) ва ниҳоятда кучли (terrifying) деб эътироф этади. Унинг моҳиятини эса бадиий асарда илгари сурилган ғоя ва образлар структурасига муштарак тарзда талқин қилади. Бироқ унинг «Мувозанат»га бағишланган изланишида объектив хулосалар билан бирга айрим субъектив даъволар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Рейчел Харрел: «Юсуфнинг институтга қайтиши билан роман оптимистик руҳда яқунланса-

<sup>55</sup> Назаров Б. Ижодий ҳамкорлик. Э.Олвортнинг «Биринчи ўзбек драмаси» мақоласи таржимасига сўзбоши // Жаҳон адабиёти. –Тошкент, 2009. – №8. – Б. 107-110.

<sup>56</sup> Harrel R. Two Uzbek Hamlets: Reading National Consciousness through Translation/ International Conference of the Association for the Study of Nationalities held at Columbia University, Apr. 15 – 17 2010; Рейчел Х. «Кўклардан кўкларга...» Ўзбек модерн шеърятини инглиз тилига ўтиришга доир мулоҳазалар // Талабалар дунёси. – Тошкент, 2008. – №1 – 2. – Б. 8.

<sup>57</sup> Бу ҳақда қаранг: Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 221.

<sup>58</sup> Рейчел Харрел Билисининг мазкур тадқиқотидан парча ўзбекчалаштирилиб, «Гулистон» журналида эълон қилинган. Қаранг: Адабиёт овози. Улуғбек Хамдамнинг «Мувозанат» романи воқеалари (Рейчел Харрел, Мичиган университети). Инглиз тилидан З.Мирзаева таржимаси // Гулистон.– Тошкент, 2010. –№5.

да, жамиятдаги ахлоқий емирилишга олиб келган турғунлик ва жаҳолатга етарлича жавоб бўлмайди», – деган фикрни илгари суради<sup>59</sup>. Ҳолбуки, романда олам мувозанатининг бузилишига йўл қўймайдиган, дунёда уйғунликни тутиб туришга қодир улуғ инсонлар Юсуф тимсолида гавдалантирилган. Зеро, Юсуфнинг ўз ўрнига қайтиши дунё мувозанатига бўлган ишончга ишора. Юсуф, аслида, инсоният, олам мувозанатини, рамзий маънода Дунёни (Оламни) ушлаб (тутиб) турган Мувозанат тимсоли. Бу билан муаллиф ҳаётнинг азалий ва абадий қонуниятларидаги мутаносибликни ҳаққоний даражада бадиий талқин қилган.

Умуман олганда, америкалик олима Рейчел Ҳаррелнинг «Мувозанат» романи таҳлилига бағишланган тадқиқоти (айрим субъектив талқинлардан қатъи назар) асарнинг ўзбек адабий танқиди эътибор қаратмаган айрим жиҳатларини кашф қилиши билан ҳам диққатга сазовор. Қолаверса, бундай ишлар ўзбек романларини халқаро миқёсда тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

«XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши» мавзuidaги диссертацияда таҳлил ва тадқиқ этилган муаммолар якунида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Жадид адабиёти миллий адабиётимизнинг сермахсул даври бўлиб, унинг шакли, мазмуни, ифода йўсини, жанрлар таркиби ва образлар оламида дунё тамаддуни сари интилишлар ҳамда ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик қарашлар акс этди. Юртимиз ҳаётида XX аср ибтидосида содир бўлган ижтимоий воқеалар ва адабиётда кечган мураккаб жараёнларни ўрганиш, тарғиб қилиш ишлари хориждаги миллатпарвар юртдошларимиз томонидан 1925 йилдан бошланган. Истанбулда матбаачилик, мақоланавислик тарзида бошланган бу жараён аста-секин Парижга, ундан эса Осиё, Европа, Америкага кўчган. Илк тадқиқотларда бадиий асарга ёндашувда ахборот бериш, жамоатчиликда мунозара қўзғаш, эҳтимолий мулоҳаза ва индуктив хулосаларни илгари суриш концепцияси етакчилик қилган. Илк изланишларда ижтимоий-ғоявий таҳлил етакчилик қилган бўлса ҳам, муҳожир тадқиқотчилар ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари, унда кузатилаётган йўналишлар, ижтимоий ташвишларнинг поэтик ифодаси, айрим образларнинг ғоявий вазифаси ҳақида ўқувчида тасаввур уйғота олишган.

2. Саттор Жаббор жадид адабиёти таҳлилига бағишланган «Қутулиш йўлида» асарида Фитрат ва Чўлпонлар тақдирига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг ижодига хос шаклий-услубий хусусиятлар ҳақида ҳам батафсил фикр юритган. Сиддиқий, Сўфизода, Ҳамза, Тавалло каби ижодкорлар фаолиятини объектив ва холис баҳолагани ҳолда, Ҳамза шахсиятига «тор дунёқарашли сиёсий ишлар қурбони» сифатида, ижодига эса «шўроларни

---

<sup>59</sup>Harrel R. Two Uzbek Hamlets: Reading National Consciousness through Translation/International Conference of the Association for the Study of Nationalities held at Columbia University. Apr. 15 –17. 2010

улуғловчи асарлар» тарзида бир томонлама муносабатда бўлган. Чунки у шоирнинг жадид адабиётига қўшган ҳиссаси ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган.

3. XX асрнинг 50– 60-йилларида америкалик ва бошқа Ғарб олимлари ўзбек адабиётидан шўроларга қарши ёзувчилар ва асарларни топишга зўрма-зўраки ҳаракат қилишган. Натижада адабиёт иши сиёсий-мафкуравий характерда ўрганилган. Хориждаги муҳим оммавий ахборот воситалари, коммуникация муассасалари ҳамда илмий марказлар гегемон мафкура манфаатларини ҳимоя қилишга интиланган. Ўзбек олимларидан М.Нурмухаммедов, С.Мирвалиев, Л.Қаюмов, М.Қўшжонов, Б.Назаров, Ш.Турдиев, шунингдек, ёзувчилардан Асқад Мухтор ва Мирмуҳсинлар ўз давридаёқ бундай тенденциоз ҳолатларга қарши ҳолис позицияда туришга интилишса-да, улар бу позицияни изчил ҳимоя қилишда назарий-методологик жиҳатдан имконсиз эдилар.

4. XX асрнинг 70 – 90-йилларидаги ўзбек адабиёти таҳлилига бағишланган изланишларда сиёсий-ғоявий таҳлил усулининг сусайиши ва соф адабиётшунослик мезонлари нуқтаи назаридан чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш жараёни бошланганлиги, олимларнинг ижодкор лабораториясига бир қатор яқинлашиш, муайян муаммони бадиий матн мантиғидан келиб чиқиб баҳолаш, илмий-назарий жиҳатдан ҳолис позицияда туриш, ўтган аср адабиёт намуналарини илк бора структурал, эмпирик ва аналогик таҳлил воситаларида ўрганиш каби ижобий ҳолатлар кузатилди. Аммо айрим ўринларда, хусусан, эстетик идеал ва интеллектуал қаҳрамон муаммолари таҳлилида АҚШ олимлари миллий-этник жиҳатга урғу беришга уриниб, муаммога субъективлик позициясидан ёндашадилар. Бу каби бир томонлама қарашлар А.Холиднинг фаранги, Х.Мурфининг Кумуш, Аҳмет Оғирнинг Отабек, Р.Микалличининг Юсуфбек Ҳожи образлари таҳлилида яққол намоён бўлади.

5. А.Оғир XX асрнинг турли хил даврларида яратилган «Ўткан кунлар» (Абдулла Қодирий), «Қутлуғ қон» (Ойбек), «Тушда кечган умрлар» (Ўткир Ҳошимов) асарларини Ғарб назарийгчилари қарашлари асосида таҳлил қилади. Олимнинг бадиий асар тағматнидаги яширин маъно қатламларини инкишоф этиши, кўпмаънолик, бадиий образлардаги рамзий ифодалар моҳиятига чуқур кира олиши миллий танқидчиликдаги шу йўналишда яратилган мавжуд изланишлардан фарқ қилувчи ўзига хос тадқиқот яритилишига асос бўлган. Айти пайтда, А.Оғир тадқиқотининг айрим ўринларида тасвир принципи муаммоси тарихий давр – миллий адабиёт – алоҳида ижодкор бирлигида кузатилмаган.

6. Инглиз шоири ва тадқиқотчиси В.Эмпсоннинг «Мавҳумликнинг еттинчи категорияси» назариясида ижодкор онгости структурасида акс этувчи мавҳумлик қудратига ишонч ётади. Бошқачароқ айтганда, расмий цензурани чалғитиш мақсадида бадиий асар ботинига («ниқобланиш» адабий приёми талабига кўра) атайлаб яширилган ғоявий мақсадни шу метод асосида аниқлаш мумкин. Э.Олвортнинг Фитрат асарлари таҳлили ва тадқиқида шу йўлдан бориши яхши самара берган.

7. Образлар моҳиятидаги метафорикликка эътибор бериш Фарбнинг Э.Наби, Х.Мурфи, Ш.Лайнс, Р.Микаллеф, А.Оғир сингари олимлари учун ўзига хос методологик таянч вазифасини ўтаган. Жумладан, Ш.Лайнс «Кеча ва кундуз» романининг, А.Оғир эса «Қутлуғ қон» ва «Тушда кечган умрлар» романларининг рамзий моҳиятини эмпирик метод (қисман К.Кларк формуласи) асосида тадқиқ этишган. А.Оғир Йўлчи ўлими билан боғлиқ рамзий-мажозий талқинларда тарихийлик тамойилидан чекинган бўлса-да, ижтимоий-психологик муаммоларга кўпроқ эътибор қаратиб, бадий матнни ўзига хос услубда таҳлил этишга ҳаракат қилган. Асардаги функцияси (қаҳрамон хатти-ҳаракатларини исмига зидлантириш) билан боғлиқ бўлган, характерлар концепциясидаги семиотик унсурларга эътибор қаратган.

8. Ўзбек модерн шеърияти тадқиқи ва таржимаси билан шуғулланган Р.Харрел бадий асарга фақат ижтимоий ҳодиса сифатида эмас, балки ижодкор қалб ҳарорати, зеҳни ва эстетик тафаккури уйғунлигида пайдо бўлган санъат ҳодисаси сифатида қарай олган. Унинг «Мувозанат» романи билан боғлиқ таҳлилу талқинлари айрим субъектив даъволардан холи бўлмаса-да, олима асарни замонавий оқимлар билан боғлашга интилган. Тадқиқотчи роман қаҳрамонлари характерига хос муайян белгиларни аниқлаб, миллатнинг янги тарихий шароитда ўз-ўзини англаш жараёнлари ифодасини кузатишга ҳаракат қилган.

Умуман, мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослигида хориж олимлари қарашларига ғоявий ва мафкуравий душман деб қараш барҳам топди. Олимларимизнинг эндиликда талқин ва таҳлилни мутлақо янги асосларда олиб боришлари учун объектив имконият юзага келди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Fil.46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО  
ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА АКАДЕМИИ НАУК  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

**МИРЗАЕВА ЗУЛХУМОР ИНОМОВНА**

**ИЗУЧЕНИЕ УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ XX ВЕКА В АМЕРИКЕ**

**10.00.02 – Узбекская литература**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент– 2017**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Fil.16.**

Докторская диссертация (DSc) по филологическим наукам выполнена в Институте языка, литературы и фольклора Академии Наук.

